

Усома сайид Маҳмуд Муҳаммад Азҳарий



10:33 / 16.08.2024 1564

Усома Азҳарий 1976 йил, 16 июлда Миср Араб Республикасининг Искандарийя шаҳрида дунёга келган.

Президент қарори билан **Усома Азҳарий 2014 йилдан бери Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Сисий ҳузуридаги маслаҳат кенгаши таркибида маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатади.**

2005 йилдан 2009 йилгача Қоҳирадаги Султон Ҳасан жомеъ масжидида шайх Алий Жума ҳазратларига ноиб имом вазифасида ишлади.

Ҳозирда Мисрнинг Зақозик шаҳридаги Азҳар шарифнинг «Усулуд дин» факултети қошидаги Исломи даъват бўлимида ёрдамчи устоз вазифасида ишлайди. У мустақил равишда кўплаб мутахассис уламолар қўлида ҳадис, тафсир, усулуд фиқҳ, мантиқ, наҳв, ақида ва бошқа фанлардан ўқиб

ўрганди. Ҳамда Ислом оламининг бошқа тарафидаги санад соҳиби бўлган 300 дан ортиқ уламолардан ижоза олган.

Усома Азҳарийнинг илмий фаолияти:

1999 йили Азҳар шарифнинг «Усулуд дин» факултети қошидаги Исломга даъват бўлимида бакалавр дипломини қўлга киритган.

2000 йили Азҳар шарифнинг Асют шаҳридаги «Усулуд дин» факултети қошидаги Исломга даъват бўлимида профессор ёрдамчиси, ўқитувчи ёрдамчиси вазифаларида ишлаган.

2005 йили Азҳар шарифнинг «Усулуд дин» факултети қошидаги Исломга даъват бўлимида магистрлик дипломини қўлга киритган.

2011 йил Азҳари шарифнинг «Усулуд дин» факултети қошида халқаро докторлик унвонини қўлга киритган.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.